

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУВАНКУЛОВ ЖАМШИД АБДУЛАҲАДОВИЧ

ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.
Экологик ҳуқуқ

юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Суванкулов Жамшид Абдулахадович

Экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий масалалари 3

Суванкулов Жамшид Абдулахадович

Правовые вопросы участия органов самоуправления граждан в экологической деятельности.....25

Suvankulov Jamshid Abdulahadovich

Legal issues of citizens' self-government bodies participation in ecological activity.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУВАНКУЛОВ ЖАМШИД АБДУЛАҲАДОВИЧ

ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ.
Экологик ҳуқуқ

юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ү14 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жураев Юлдаш Ачилович
юридик фанлар доктори

Расмий оппонентлар:

Файзиев Шухрат Хасанович
юридик фанлар доктори, профессор

Нурматов Мирғолиб Мирзаевич
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү1.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 22 октябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1053-рақам билан рўйхатга олинган) (манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 6 октябрь куни тарқатилди.

(2022 йил 6 октябрдаги 13 - рақамли реестр баённомаси).



И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда дунёдаги иқлим ўзгариши натижасида Ер шари ҳароратининг кўтарилиши, атмосфера ифлосланиш даражасининг ошиши, аҳоли сони ўсиши оқибатида атроф муҳитга салбий босимнинг кучайиши, ичимлик суви тақчиллиги ва бошқа глобал экологик муаммолар ўткирлашмоқда. Мана шундай шароитда экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари, хусусан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини кучайтиришнинг замонавий усули ҳамкорлик механизми эканлиги, бунда ҳамкорликнинг учта тармоғи, яъни давлат органлари, фуқаролар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қатъий қарор топтирилиши ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик фаолиятини самарали амалга оширишда уларнинг ташкилий тузилмалари фаолиятини кучайтириш, қонунчиликда уларнинг ваколатларини аниқлаштириш, ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишга қаратилган тегишли илмий ишланмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида давлат ва жамият барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Жаҳонда инсоният томонидан тегишли ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлаб чиқариш омиллари, шунингдек, иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келаётган атроф муҳитга салбий таъсирларни камайтириш, табиатга кўп миқдорда зарар етказилишининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Иқлим ўзгариши натижасидаги таъсирлар, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларда яшовчи фуқаролар учун, яъни, ўз тирикчилигини таъминлаш учун табиий ресурсларга таянадиган давлатлардаги аҳоли учун яққол намоён бўлади¹. БМТ маълумотларига кўра, инсон фаолияти ер юзининг 75 % ни ўзгартириб, табиатни сайёрамизнинг тобора кичикроқ бурчагига сиқиб чиқарди. 2019 йилги ҳисоботга кўра, 1 миллионга яқин ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди².

Ўзбекистонда экологик хавф-хатарларга қарши курашиш давлат ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиб, бу борада стратегик вазифалар белгиланган. Бундай вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармонида ўз аксини топган. Ўз навбатида экологик қонунчилик изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги чора-тадбирлар йилдан йилга янгича сифат ва мазмун касб этмоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор умуммиллий лойиҳалар³ (“Яшил макон”, “Яшил йиллик”

¹ <https://www.frontiersin.org/articles/10.3389/fsoc.2019.00060/full>

² <https://www.un.org/sustainabledevelopment/biodiversity/>

³Қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг экологик муаммоларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2022 йил 2 февраль // <https://president.uz/uz/lists/view/4955>

ва ҳ.к.) атроф муҳитни нафақат муҳофаза қилиш, балки унинг табора заифлашиб бораётган табиийлигини кучайтиришга қаратилган. Асосий мақсад инсонларнинг ҳаётини “яшил макон”ларда кечишини ҳамда улар яшаш жойларининг табиий жозибадор бўлишлигини таъминлашдан иборат.

Илгарилари экологик муаммолар билан шуғулланиш фақат давлат сиёсати, деб қаралган бўлса, мустақиллик йилларида, айниқса Янги Ўзбекистоннинг ривожланиши шароитида, улар билан шуғулланиш учун фуқароларга ҳамда фуқаролик жамиятининг барча институтларига бу борада кенг имкониятлар очиб берилган.

Фуқароларнинг экологик муаммоларни ҳал этишдаги роли ҳозирда икки хил усулда намоён бўлмоқда: шахсан иштирок этиш ҳамда жамоатчилик институтларига бирлашиш орқали иштирок этиш. Шунга биноан, фуқароларга берилган бундай икки қарра конституциявий имкониятларнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари яратилган. Айниқса, уларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бирлашиб турли-туман ижтимоий, маданий, экологик ва бошқа масалаларини ҳал этиши Янги Ўзбекистон шароитида ўзгача маъно касб этмоқда.

Ҳозирда жамоатчилик институти сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг экологик мазмун-моҳияти ортиб бормоқда. Улар экологик - ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаққоний субъектига айланиб, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини, шунингдек жамиятнинг экологик манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқдалар. Энг муҳими, мазкур органларнинг экологик фаолияти шаклланиши ва ривожланишида Президент Ш.Мирзиёев томонидан тақлиф этилаётган ғоялар, концепциялар ва кўрсатмалар муҳим сиёсий-ғоявий асослар сифатида намоён бўлмоқда.

Чунончи, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли дастуруламал асарида экологик сиёсатнинг самарадорлигини кўтариш тўғрисида гапирар экан, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида эътибор бериб: “Ушбу йўналишда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан жамоат экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш самарасини таъминлашга доир мувофиқлаштириш ишларини тизимли йўлга қўйиш зарур”¹, деб таъкидлайди.

Экологик фаолиятни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилишига тааллуқли нафақат сиёсий-ғоявий, балки ҳуқуқий асослар ҳам ривожланиб бормоқда. Шу ўринда, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик назорат тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларида мазкур органларнинг экологик фаолиятига асос бўладиган бир қанча нормалар акс эттирилганлигини таъкидлаш лозим.

Экологик фаолият билан шуғулланишлари учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли сиёсий-ғоявий ҳамда ҳуқуқий асослар мавжуд бўлишига қарамасдан, бундай фаолиятга тааллуқли ҳуқуқий масалаларни илмий

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 392 б.

тадқиқ қилиш ва олинган илмий натижалар асосида кўзланган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажаришга эҳтиёж катта ҳисобланади.

Бундай эҳтиёж экологик масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этишининг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотларнинг суствлигидан ташқари, бу органлар билан атроф муҳит ўртасида мавжуд алоқадорликни ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб англаш, мазмун-моҳиятини таърифлаш, бу алоқадорликдаги ҳуқуқий муносабатларни ажратиб кўрсатиш, уларни тартибга соладиган нормаларнинг таъсир кучини баҳолаш ва амалий самарадорлигини ошириш, шунингдек тартибга солишни янада такомиллаштириш ва бошқа ҳолатлар билан изоҳланади.

Бундан ташқари, мазкур илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгиловчи бошқа ҳолатлар ушбу органларнинг шундай фаолиятни самарали қилиб амалга оширишлари учун ҳуқуқий асосларнинг етарли эмаслиги ёки мавжудларининг тегишли даражада ижро этилмаслиги билан боғлиқ. Бундай камчиликлар экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга туртки бўладиган илмий ишланмаларни шакллантириш ва баён этиш асосида бартараф этилиши башорат қилинади.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур илмий ишда амалиётдаги мавжуд эҳтиёжларни қаноатлантиришга хизмат қиладиган бир қатор масалалар тадқиқот учун ажратиб олиниб, уларни тўлиқроқ ёритиш вазифалари мўлжалланган. Уларнинг ичида экологик фаолият борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга ошираётган жамоат назорати механизмларини кучайтириш; ушбу органлар “юрисдикцияси” (худуди)да жойлашган табиатдан фойдаланувчиларнинг улар олдидаги маъсулиятини ва ҳисоботдорлигини ошириш; жамоат таъсирининг замонавий усуллари шакллантириш; мазкур органларнинг экологик фаолияти бўйича ҳудуддаги фуқаролар олдидаги маъсулияти ва жавобгарлигини кучайтириш; экологик фаолиятда фуқаролар ўзларининг иштирокини кафолатлаши ва бошқа ҳолатлар муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари, тадқиқ этилаётган мавзунинг илмий долзарблигига қуйидаги ҳолатларга бевосита тааллуқли эканлиги билан ҳам изоҳланади:

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойлардаги энг қуйи жамоатчилик бошқарув органлари бўлиб, тегишли ҳудуддаги одамлар ҳаётининг барча жабҳаларда, шу жумладан атроф табиий муҳитдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида ҳам мақбул бўлишлигини таъминлашга бевосита алоқадор фаолиятни амалга оширадиганлар. Қулай атроф муҳитни таъминлаш тегишли ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни талаб этади. Қонунчиликни такомиллаштириш амалиёти эса бевосита илмий тадқиқотлар натижаларига асосланади. Шу нуқтаи назардан бундай фаолият илмий долзарб ҳисобланади.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик фаолияти нафақат атроф муҳитнинг соғлом ва қулай бўлишини таъминлаш вазифаларини бажаради, балки одамларда экологик маданиятни юксалтириш орқали уларда экологик фойдали турмуш тарзи юритишини таъминлайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, экологик маданиятни

юксалтириш, айниқса уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти асосида амалга ошириш ҳозирги пайтда Ўзбекистонда долзарб вазифа қилиб қўйилганлиги ҳамда бундай фаолият илмий тадқиқот натижаларига таянишини тақозо этади. Бу ҳолат ҳам мазкур илмий ишни долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ҳаёти учун ўта аҳамиятли бўлган ўзини ўзи бошқариш институтининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, файласуф олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий муаммолари ҳуқуқшунос олимлар томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган бўлишига қарамай, ушбу органлар фаолиятида атроф муҳитни муҳофаза қилиш муносабатлари энг қуйи жамоат бошқаруви бўғинида намоён бўлиши асосларини ўрганиш, уларни идрок этиш ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнашидан келиб чиқиб тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Шунга қарамай мазкур диссертация мавзусига тааллуқли масалаларнинг назарий асослари, тегишли қонун ҳужжатларининг мазун-моҳияти домий тарзда илмий тадқиқотлар предмети бўлиб келаётганлигини ва бу борада юрист олимларимиз катта натижаларга эришганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Шу ўринда, олимлардан У.Т.Аюбов, Д.У.Арипов, У.Б.Бозоров, Ш.О.Бобоқулов, И.Д.Джалилов, Й.О.Жўраев, Р.А.Икрамов, Р.Ҳ.Кенжаев, Н.Р.Маллаев, О.Нарзуллаев, Г.Узакова, О.Утегенов, М.Б.Усмонов, Д.М.Умаров, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, Ж.Сафаров, С.С.Хамроев, Ў.Хамроев, Ҳ.Р.Ҳайитов ва бошқаларнинг асарларига илмий-назарий база сифатида алоҳида эътибор берилди. Айрим ҳуқуқшунос олимларимиз борки, улар мазкур мавзунинг у ёки бу масалаларини тадқиқ этишда бевосита иштирок этган¹. Жумладан, Ў.Хамраев жамоат бирлашмаларининг экология қонунчилиги талабларининг бажарилишидаги иштироки масалаларини, О.Утегенов жамоат экология назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий масалаларини, А.Нуридуллаев² жамоат экологик экспертизаси муаммоларини ёритиб берган бўлса, Ж.Сафаров³ томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экология соҳасидаги ваколатларини такомиллаштиришга оид таклифлари билан ўрганилаётган

¹ Қаранг: Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ рўйхати Диссертацияда келтирилган.

² А.Нуридуллаев. Ўзбекистон Республикасида экологик экспертизани ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид. фан. номзоди Дисс.-Т. ТДЮИ, 2011, -Б.174 б..

³ Сафаров Ж. Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари. Юрид.фан. номзод... Дисс., Т., ТДЮИ, 2011,- Б.216.; Экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш. Юрид. фан. доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган Дисс.Т., ТДЮУ, 2018. – Б. 338.

мавзуни умумий тарзда ёритишга ҳаракат қилинганлигини эътироф этиш ўринли. Аммо, ушбу тадқиқотчиларнинг илмий асарлари ушбу мавзуни чуқур ва атрофлича тадқиқ қилишга қатта тўртки бўлиб, мазкур тадқиқот ишини амалга оширишда уларнинг илмий – назарий хулосалари ва ишланмаларини янада мустаҳкамлашга, қолаверса фанда уларни тегишлича тарғиб қилишга ҳаракат қилинди.

Шунингдек, хориж ҳуқуқшуносларининг ҳам илмий асарлари мазкур тадқиқотни бажаришда илмий - назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Шу ўринда, Россиялик ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, профессор С.А.Боголюбов¹ нинг асарларида маҳаллий бошқаришнинг экологик фаолиятдаги иштироки ҳақида бир қанча ишланмалар мавжудлигини таъкидлаш зарур. Бошқа бир Россиялик олим С.Л.Байдаков фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масаласида тадқиқот ишларини олиб борган².

Россиялик тадқиқотчи М.И.Васильева эса “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид ваколатлари: амалга ошириш муаммолари ва ҳуқуқий тартибга солиш” номли илмий ишида Россия давлатидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этган³.

Шуни таъкидлаш керакки, аксарият хориж давлатларида мавжуд бўлган “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари” (органы местного самоуправления) бизнинг мамлакатимиздаги “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”⁴ дан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат тузилмаларидан мустақил жамоат органлари ҳисобланади.

Бугунги кунда хорижлик мутахассислар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари институтининг кенг қамровли ноёб фуқаролик жамияти институти эканлиги ҳақида эътироф этишмоқда.

Жумладан, Ажай Кумар Патнаикнинг эътироф этишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги ноёб институт – маҳалла Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. У жамиятда демократиянинг янада гуллаб яшнашида ўта муҳим аҳамият касб этади”⁵.

¹ Қаранг: Боголюбов С.А. Экологическое право. Учебник.-М.: Издательства.Юрайт, ИД Юрайт, 2011. –482 с.

² Қаранг : Байдаков С.Л. Правовое регулирование деятельности органов местного самоуправления по обеспечению экологических прав граждан. Дисс. канд. юрид. наук. -М.:1999. –Б.152.

³<http://www.center-bereg.ru/i1170.html>

⁴ Изоҳ1.: Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим юридик адабиётларда ўзбек тадқиқотчилари томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида гапирилаётганда айрим ҳолларда “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши” эмас, балки, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” атамасидан фойдаланилади. Бундай миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаган нотўғри тушунчадан воз кечиш, мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. Чунки, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” атамаси хорижий мамлакатлардаги шундай тузилмаларнинг мазмун-моҳиятини акс эттиради. Шунингдек, тадқиқот иши давомида “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” тушунчаси мазмунини ифодалайдиган ”фуқаролар йиғини”, “ўзини ўзи бошқариш органлари”, “маҳалла тузилмалари”, “жамоат тузилмалари”, “жамоат ташкилотлари” (Бу тушунчанинг моҳияти ҳақида қаранг: Икрамов Р.А. Сиёсий партиялар ва оммавий – ижтимоий ҳаракатлар фаолиятида инсон экологик ҳуқуқлари масалалари // Масъул муҳаррир Й.О.Жўраев. -Т.ЎзМУ, “TURON-IQBOL” нашриёти, -Б.102-103.), “маҳалла” каби атамалардан фойдаланилди. (С.Ж.)

⁵ Ажай Кумар Патнаик. Маҳалла - фуқаролик жамиятининг муҳим институти. // Фуқаролик жамияти. Гражданское общество. Civil society. 2015. №3 (43). Б.92-93.

Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари институтининг Ўзбекистонда ўзига хослигидан ҳамда бу институтнинг хориж давлатларида кам ўрганганлигидан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишида асосан ўзбек олимларининг асарларига, умумназарий адабиётларга ҳамда мавжуд миллий экологик қонунчилик нормаларига асосланилди.

Диссертация ишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқли умумназарий ҳолатларни ўрганишда ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан Ш.И.Жалилов, А.Саидов, М.Сувонқулов, Г.Маликова, Г.Исмаилова, З.Реймова, З.Рузиев, тарихчи олимлардан Г.Умарова ҳамда сиёсатшунос олимлардан М.Қирғизбоев¹ ва бошқаларнинг асарларидан ҳам лозим даражада фойдаланилди.

Юқорида номлари қайд қилиб ўтилган олимларнинг илмий ишларига юқори баҳо берган ҳолда шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, улар томонидан Ўзбекистонда экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий муаммоларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам биз мазкур муаммони махсус ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация мавзуси Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг 2017 йил 28 сентябрдаги (2-сонли баённома) мажлисида тасдиқланган ва университет илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки, ушбу соҳадаги мавжуд назарий-амалий муаммоларни ва уларни бартараф этиш йўлларини очиб бериш, янги илмий-ҳуқуқий тушунчаларни шакллантириш ва шу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар, илмий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий тушунчаси ва ижтимоий-сиёсий моҳиятини тавсифлаш;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар қилиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик ваколатлари ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий шакллари ва усулларининг юридик табиатини очиб бериш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорат юритиши ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

экологик-ҳуқуқий масалаларда ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат

¹ Қаранг: Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ рўйхати Диссертацияда келтирилган.

назорати таъсир чораларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг механизмларини тадқиқ этиш;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалардан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объектини экологик-ҳуқуқий фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқот предметини экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар ҳамда уларни қўллаш амалиёти, шунингдек мазкур экологик-ҳуқуқий муаммога оид илмий-ҳуқуқий манбалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида унинг объектига кирувчи масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришда тарихий, тизимли-таркибий ва қиёсий таҳлил қилиш, статистик асослаш, социологик сўровномалар ўтказиш, мантиқийлик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат :

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг энг асосий механизми сифатида жамоат экологик назоратининг ҳуқуқий табиати фуқаролик жамияти мазмун-моҳиятига чамбарчас боғлиқлиги очиқ берилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат экологик назоратини юритиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш каби вазифаларни амалга ошириш зарурати асослаб берилган;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари билан ҳамкорлиги амалда уларнинг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда сезиларли эканлиги, ҳамкорликни ошириш учун уларнинг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий органлари билан муносабатларини табиат объектларини муҳофаза қилиш юзасидан такомиллаштириш зарурати асослангандир;

“инсон – маҳалла – экологик ҳуқуқлар” тамойили инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик жамияти шароитида ўзига хос кафолат тизими эканлиги ва бу тамойил ҳозирги даврда суст амал қилаётганлиги, бу тамойилнинг ҳаққонийлиги давлат ва унинг экологик манфаатлари учун аҳамиятли эканлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссияси фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тегишли тартибда таъминлаш зарурати асослангандир;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари родини ошириш мазкур органларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашни ташкил этиш билан боғлиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Экология соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар табиат объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини таъминлайдиган ўзгартириш киритиш, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига мазкур органларнинг ҳисобот эшитиш ваколатига аниқлик киритиш ва барча табиат объектларидан фойдаланилишини ва муҳофаза қилинишини белгилайдиган ўзгартириш киритиш орқали экологик қонунчиликка мувофиқлаштириш, 13-моддасига ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш ваколатини такомиллаштириш, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини белгилаш орқали ўзгартириш, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни нормаларига “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун нормаларини мувофиқлаштириш мақсадида ушбу Қонуннинг 28-моддасига тегишли тартибда 7 - қисм киритиш ва уни идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратни юритувчи субъектларни инобатга олган ҳолда баён қилиш қонун ҳужжатлари ижросини амалий жиҳатдан таъминлаш учун шароит яратади.

Экологик қонунчилик нормаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат экология назоратини, жамоат экологик экспертизасини, жамоат экологик мониторингини амалга ошириш ва қўллашга оид тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосланганлиги ҳамда уларнинг амалий татбиқи экология ҳуқуқи фанининг ривожланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари ҳамда уларни амалда ижро этиш ҳолатларига асосланган бўлиб, уларнинг илмий-амалий аҳамияти тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Шунингдек, хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар тегишли тарзда муҳокамадан ўтказилиб, уларнинг натижалари республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унда экологик фаолиятда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки масаласи илмий асосда махсус тадқиқ этилди ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Диссертация матнидан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган ўқув машғулотларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, илмий иш натижалари бошқа юридик фанлар, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар бўйича илмий тадқиқотлар бажаришда ҳам асқотади. Ва муҳими, давлат ва нодавлат экологик ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялардан фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамиятни инсонпарварлаштириш ва аҳоли экологик-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган фаолиятларида қўллашлари мумкин.

Тадқиқот натижаларидан экология ҳуқуқи фанидан маъруза ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий масалалари мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг энг асосий механизми сифатида жамоат экологик назоратининг ҳуқуқий табиати фуқаролик жамияти мазмун-моҳиятига чамбарчас боғлиқлиги очиб берилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат экологик назоратини юритиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишнинг асосий вазифалари бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрда қабул қилинган “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 287-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомнинг 17-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 сентябрдаги 12/20-13-сон далолатномаси). Мазкур таклиф фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик жамоат назоратини юритиш бўйича асосий вазифаларини аниқлаштиришга хизмат қилган;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари билан ҳамкорлиги амалда уларнинг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда сезиларли эканлиги, ҳамкорликни ошириш учун уларнинг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий органлари билан муносабатларини табиат объектларини муҳофаза қилиш юзасидан такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2019 йил 15 январдаги 29-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳақидаги низомнинг 11, 13-бандларини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 сентябрдаги 12/20-13-сон далолатномаси). Мазкур таклиф фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш ваколатини янада аниқлаштиришга хизмат қилган;

“инсон – маҳалла – экологик ҳуқуқлар” тамойили инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик жамияти шароитида ўзига хос кафолат тизими эканлиги ва бу тамойил ҳозирги даврда суст амал қилаётганлиги, бу тамойилнинг ҳаққонийлиги давлат ва унинг экологик манфаатлари учун аҳамиятли эканлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссияси фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тегишли тартибда қарорлар қабул қилиш орқали таъминлаш тўғрисидаги таклифидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июнда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сон

қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Фуқаролар йиғини тўғрисида”ги Намунавий низомнинг 5-боби, 2-параграфидаги 43-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 январдаги 12/21-01-сон далолатномаси). Мазкур тақлиф фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссияси фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилган;

экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш мазкур органларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашни ташкил этиш билан боғлиқлиги тўғрисидаги тақлифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июнда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида” ги 380-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Фуқаролар йиғини тўғрисида” ги Намунавий низомнинг 5-боби, 1-параграфидаги 36, 37-бандларини тайёрлашда инобатга олинган, фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 январдаги 12/21-01-сон далолатномаси). Мазкур тақлиф фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссияси фаолиятини ташкил этиш, мазкур комиссиянинг асосий вазибаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 11 мартаба, шундан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мавзуга оид 25 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия қилинган нашрларда 12 та мақола, хорижий журналда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Экологик муаммоларни хал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий тушунчаси,**

ижтимоий-сиёсий моҳияти ва ҳуқуқий асослари” деб номланган биринчи бобида экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий тушунчаси ва ижтимоий - сиёсий моҳияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик ваколатларининг ҳуқуқий асослари, табиий бойликлардан (ер, сув ва бошқа табиий захиралар) фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини такомиллаштириш муаммолари, бу органларнинг қуйи бўғин ўзига хос бошқарув институти эканлиги билан боғлиқлиги, жамиятнинг дастлабки бошқарув ячейкаси сифатида “жамият ва табиат” алоқадорлигида алоҳида аҳамият касб этадиган сиёсий институт эканлигидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Диссертация ишида аввало маҳаллаларнинг атроф табиий муҳитга алоқадорлик масаласи тадқиқ қилиниб, қуйидаги илмий ишланмалар шакллантирилган.

Экология атамаси юнонча “oikos” - турар жой, яшаш муҳити, уй, - “logos” - таълимот, деган маънони билдиради¹. Демак, экология дегани яшаш муҳитини муҳофаза қилишга тааллуқли таълимот бўлса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари марказий институти бўлган “маҳалла” тушунчаси ҳам яшаш муҳити, уй-жой, деган маънони билдиради. Зотан, “Маҳалла” сўзи араб тилида “маҳаллун” – яъни ўрин, жой деган сўздан олинган. Кўчалар кесишган, туташган жой марказ ҳисобланиб, у ерда гузар жойлашган. Гузар атамаси “гузаргоҳ” – кесиб ўтиш жойи деган тушунчани англатади². Демак, одамларнинг яшаш муҳити ва “экология” тушунчаси ўртасида мустаҳкам алоқадорлик мавжуд.

Экологик фаолиятни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки уларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги ўзига хос мақоми билан чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқади. Бу органлар ҳуқуқий мақомидаги ўзига хослик қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади. Биринчидан, улар жамиятнинг қуйи бошқаруви бўғини сифатида атроф муҳит ва унинг объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳ.к.) билан бевосита мулоқотда бўлади. Иккинчидан, атроф муҳитнинг жамиятга таъсири, ва аксинча, жамиятнинг атроф муҳитга таъсири дастлаб шу бўғин ҳудудида намоён бўлади. Учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан атроф муҳит ўртасида ўзига хос “бошқарувчи ва бошқарилувчи” муносабатлари вужудга келади. Тўртинчидан, табиий ресурсларга эгаллик қилиш, фойдаланиш ҳуқуқлари қандай субъектларга тегишли бўлишидан қатъи назар улар жойлашган ҳудудга нисбатан дастлабки “юрисдикция” фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқли бўлади. Бешинчидан, “маҳаллий табиат” ва маҳаллий орган (маҳалла) алоқадорлигида уйғунлик бўлса-да, улар ўз экологик фаолиятларини ҳудуддаги табиий бойликларга расман бирор бир юридик асосга (масалан, табиат объектларига эгаллик қилиш (фойдаланиш) ёки бошқариш ҳуқуқи эга бўлмасдан амалга оширадilar.

¹ Экология ҳуқуқи // Дарслик., Масьул муҳаррир М.Б.Усмонов., Т. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти. 2001., -Б.33.

² Мустақиллик : изоҳли илмий - оммабоп луғат.Т.: Шарқ, 2000, -Б.112.

Экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асослари ривожланаётганидан ташқари, уларнинг бу масаладаги ваколатлари давлат стратегик дастурларида ҳам белгиланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясида “маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки аллақачон ижтимоий ҳаётнинг тавсифлари сифатида тан олинишига қарамай “экологик фаолият” масаласи бўйича умуман олганда илмий-ҳуқуқий манбаларда яқдил тушунчалар мавжуд эмас.

Масалан, Россия Федерацияси юридик адабиётларида экологик фаолият тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Шунга қарамай илмий манбаларда, ҳуқуқий ҳужжатларда экологик фаолият, экологик назорат, экологик экспертиза¹, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, экологик аудит фаолияти², экологик фаолият экологик хавфсизликни таъминлаш шакли эканлиги³ каби тушунчаларнинг ўрин эгаллаганлиги эътирозларга сабаб бўлмаган. Шунга кўра ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, экологик фаолият тушунчаси таърифи ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди ва бу тушунча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан қўлланилиши мумкинлиги асослаб берилди. Диссертация мавзусида “экологик фаолият” тушунчасининг қўлланилишининг асосий сабаби унинг “экологик ваколатлар”, “экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлар”, “экологик мақсад ва вазифалар”, “экологик мақом”, “экологик саъй-ҳаракатлар” ва ҳ.к.ларга қараганда кенг ва оддий эканлигидир.

Экологик фаолият айти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига келганда иштирок этиш юридик механизми орқали амалга оширилади. “Иштирок этиш” нинг юридик шакл ва усуллари шу механизмнинг шакл ва усуллари, деб таърифланди.

“Иштирок этиш” жамоат бирлашмаларига нисбатан қўлланилган конституциявий юридик механизм ҳисобланади. Бу механизм тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида акс эттирилган. “Иштирок этиш” бошқа механизмларга, масалан, “амалга ошириш”, “бажариш” ва ҳ.к. қараганда ўзига хос юридик табиатга эга эканлигига алоҳида эътибор берилди. Иштирок этиш ҳуқуқий муносабатлар субъектларига императив (мажбурий) ваколатлар бермайди, деб ҳисобласа бўлади. Чунки, “иштирокчилар” бошқа субъектларнинг тегишли фаолиятни амалга оширишларига кўмаклашади. Уларнинг қонунларда белгиланган ваколатларини амалга оширишлари ҳам

¹ С. Макаров С., Л.Шагарова. Проблемы экологического аудирования выходит из ряда второстепенных // Финансовые известия. 1996 г. 22 октябр. ст.7.

² Бу ҳақда батафсил қаранг : М. Бринчук. Экологическое право. Учеб. -М. 2008 г.; С.Боголюбова. Экологическое право. -М.: Издательство, Юрайт, 2011.-482ст.

³А.К.Голиченков. Экологическое право России: Словарь юридических терминов. Учебное пособие для вузов. - М.: Издательский Дом. “Городец”, 2008., Ст.169.

(масалан, ҳисобот эшитиш) аслида бошқа субъектларга кўмаклашиш мақсадига эга бўлади. “Иштирок этиш” ҳуқуқ бўлиб, қонунларга кўра бу ҳуқуқ белгиланган. Бу ҳуқуқ мажбурият ва жавобгарлик келтириб чиқармайди. Шунинг учун ҳам биз “иштирок этишни мажбурият¹, деган фикрларга кўшилмаймиз. Тўғри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этишини таъминлаш бошқа экологик фаолият билан шуғулланадиган органлар учун мажбурият бўлиши мумкин. Масалан, бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида” ги Қонунининг 29-моддасида айтилган.

Бундан ташқари, “иштирок этиш” бошқа бир қанча қонунларда акс эттирилган. Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонуннинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғинларининг табиатни муҳофаза қилишда кўмаклашиш фаолияти, қонун ҳужжатларининг, ўз қарорларининг ижроси устидан жамоат назоратини ўтказиш фаолияти, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш фаолияти кабилар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳақида” ги Қонунининг 10-моддасида ва бошқа қонунларда иштирок этиш механизмининг бир неча шакл ва усуллари кўрсатилган.

Экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши аниқ ваколатлар асосида амалга оширилади. Экологик ваколат қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилса, экологик фаолият мана шу ваколатларнинг амалга оширилишида кўринади.

Тадқиқот ишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик ваколатлари ҳуқуқий асослари қуйидагича таснифланди:

1. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонун ва маҳалла тузилмалари қабул қилган ҳужжатлар.

2. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатларини тартибга соладиган экологик қонунлар.

3. Экология соҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини белгиловчи бошқа қонуности ҳужжатлар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик ваколатларини икки турга бўлиш тавсия этилади. Биринчиси, умумий экологик ваколатлар, яъни атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг умумий масалаларига тааллуқли экологик фаолият. Бу ваколатлар асосан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонуннинг 11-моддасида берилган. Уларга экологик жамоатчилик назоратини амалга ошириш, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг экологик масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш кабилар қиради. Бундан ташқари, экологик ваколатлар экологик қонунчиликда ҳам белгиланган.

¹Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан... ном....дисс. автореф. Т.-2005.-Б.14.

Иккинчиси, айрим табиат объектларига тааллуқли ваколатлар. Айрим табиат органлари ичида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ваколати бошқа табиат объектларига қараганда қонунчиликда кўпроқ учрайди. Бирок, Ер кодексига киритилган кейинги ўзгаришларга кўра, ер участкаларини эгаллик қилиш ва фойдаланишга бериш асосан аукцион орқали амалга оширилаётганлиги учун бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этиши зарурлиги асослаб берилди.

“Экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий шакллари ва усуллари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида бу органларнинг жамоат экологик назорат юритиши алоҳида ҳуқуқий шакли сифатидаги хусусиятлари, уни амалга оширишнинг ташкилий - ҳуқуқий асослари ва усуллари ўрганилган, экология соҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат назорати юритиш ваколатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Кейинги вақтларда қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан жамоат назорати юритилиши ривожланмоқда.

Жамоат назоратига эътибор Президентимиз қабул қилаётган ҳужжатларда, уларнинг нутқ ва асарларида тез-тез тилга олинади. Президент Ш.Мирзиёевнинг фикрича, “жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир”¹.

Фуқаролар йиғинининг экология соҳасидаги фаолияти асосан қонунчиликда белгиланган шаклларда, жумладан, жамоат экологик назоратини юритиш ҳуқуқи шаклида намоён бўлади.

Тадқиқотда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратни юритиши тушунчасига таъриф берилди.

Бундан ташқари, жамоат экологик назоратни юритиш масаласи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши жараёнлари очиб берилди, уларнинг бир - биридан фарқи кўрсатилди.

Шунингдек, экологик қонун ҳужжатлари талабларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўлиқ хабардор эмаслиги ёки қисман хабардор бўлса-да, уни қўллаш бўйича амалиётнинг ривожланмаганлиги, экология соҳасида давлат органлари билан ҳамкорликнинг суствлиги уларнинг жамоат экологик назорат юритиш ваколатлари амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар эканлиги аниқланди. Шунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига экологик назорат соҳасидаги қонун ҳужжатларининг мазмунини кенг тушунтириш, уларга жамоат экологик назоратини юритиш бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш зарурлиги асослантирилди.

Тадқиқотда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш масаласи ҳуқуқий таҳлил қилинди. Экологик жамоат экспертизаси фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари экологик

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси, 7.12.2019 й. www.president.uz

фаолиятида муҳим ўрин эгаллагани учун унинг роли кейинги пайтларда ошиб бормоқда.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида “шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободонлаштиришга оид қарорлар дастлаб ўша жойдаги аҳоли ўртасида муҳокама қилинишини ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шартлиги”¹ ни таъкидланган эди.

